



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 10 июнь, № 114 (6297) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 7 майда қабул қилинган
Сенат томонидан 2015 йил 15 майда маъқулланган

1-модда. 1993 йил 7 майда қабул қилинган 863-ХII-сонли **Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 247-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 350-модда; 2012 йил, № 9/2, 246-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда) **110-моддасининг учинчи қисми** чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913-ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда) куйидаги мазмундаги **25¹-модда** билан тўлдирилсин:

«**25¹-модда.** Ҳокимнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини халқ депутатлари Кенгаши томонидан эшитиши

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими ҳар йили тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисобот тақдим этади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юзасидан ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эшитилади. Мазкур мажлис вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай, туманлар ва шаҳарларда эса вилоятларда тегишли мажлислар ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ўтказилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли сайлов округларидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, вилоят ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари тақлиф этилади.

Туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли сайлов округларидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва халқ депутатлари вилоят Кенгашилари депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, давлат бошқаруви органларининг вакиллари, вилоят ҳокими ёки унинг ўринбосарлари, туман ва шаҳар ижроия ҳокимияти органлари таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари тақлиф этилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар тақлиф этилиши мумкин.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида берилган баҳолар ва белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек халқ депутатлари вилоят Кенгашиларининг мажлисларида берилган баҳолар ва белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

ҚИЗИЛҚУМ ГАВҲАРИ



Навоий шаҳридан Қизилқум саҳроси оралаб шимол томонга йўл олган киши тап-тақир чўлу биёбоннинг ўртасида осмонўпар иморатлар, бири-бирдан кўркам иншоотлар, йирик ишлаб чиқариш мажмуаларини ўз ичига олган замонавий шаҳар борлигига ишонгиси келмайди.

ИФТИХОР

Аслида эса, бу — ҳақиқат. Энг муҳими, бугун ана шу мўъжаз шаҳарда ҳаёт кайнабди. Одамлар яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари билан банд. Худуд аҳлининг турли соҳаларда эришган ютуқлари тилга тушмоқда.



Инсоннинг қўли гул! Истиқлол йилларида бепоён Қизилқум кенгликларидан жойлашган Зарафшон шаҳрида амалга оширилаётган беқиёс янгиланишлар ва улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилиш мумкин.

этироф қозонапти. Айниқса, санатчиларнинг гайрат-шижоати, иланиш ва интилишлари мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг тобора юксалишида муносиб ҳисса бўлиб қўшили-япти.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида Зарафшон шаҳри бутунлай янгича қиёфа касб этиб, виллоятнинг индустриал марказларидан бирига айлан-ди. Бу ерда янги-янги таълим муассасалари, муҳташам қошоналар, замон талабларига мос қатор иқтисодий ва ижтимоий соҳа объектлари қад ростлади. Кўчаю хиёбонлар ободон-лаштирилиб, сўлим боғу роғлар бар-по қилинди. Худуд иқлим шaroитидан келиб чиқиб бунёд этилган фаворалар эса ёзнинг жазирама кунларида

мўътадиллики таъминлаб, ёқимли экин таратмоқда. Ҳозир Зарафшонда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек ахил, иноқ ва ҳамжихатликда умргузаронлик қилаётир. Шаҳар аҳлининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади. Улар ўқишда, касб-хунар эгал-лашда, спорт ва санъатда тенгдош-лари билан қадам-бақадам юксак марраларни эгаллашмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Юксак ишонч ва масъулият

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» қўриқ-танловининг ҳудудий босқичлари юнқулди.

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Дарҳақиқат, юртимизда барча соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларда, эришилаётган залворли ютуқларда фуқаролик жамияти институтларининг, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муносиб ҳиссаси бор. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар ҳамда аёллар билан ишлаш, улар бандлигини кафолатлаш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига ҳар томонлама ғамхўрлик ҳўрсатиш, жойларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида маҳаллаларимизда эътирофга лойиқ ташаббуслар рўёбга чиқарилмоқда. Ўз навбатида, маҳалланинг

жамиятдаги нуфузини тобора ошириш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар ушбу ноёб тизимга халқаро миқёсдаги қизиқиш ва эътиборнинг ор-тиқча сабаб бўлаётир. Бунда тизимда фаолият юритаётган фуқаролар йиғинларининг фаоллари, жумладан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари муҳим ўрин эгаллайди.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида жорий этилган фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича

маслаҳатчилари, таъбир жоиз бўлса, маҳаллаларнинг чинакам таянчи ҳисобланади. Жойларда ижтимоий-маънавий соғлом муҳитни қарор топтириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва тиббий маданиятини юксалтириш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини кенгайтириш, хукукбузарлик ва хилофчиликнинг олдини олиш, миллий аънава ҳамда урф-одатларни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб аҳамиятга молик чора-тадбирларда улар фаол ишти-роқ этмоқда. Зеро, бугун тизимда фаолият кўрсатаётган саккиз ярим минг нафардан зиёд маслаҳатчи-лар миллий-диний қадриятларимиз ҳақида етарли билим ва катта ҳаёт тажриба-

сига эга, халқ орасида обрў-эътибор қозongan аёллардан иборатдир.

Юртимизда маҳалла институти фаолиятини такомиллаштиришга доимий эътибор қаратилаётгани, соҳа ходимларининг меҳнати муносиб тақдирланаётгани ишимиз ривожидида муҳим омил бўлмоқда, — дейди Қарши шаҳридаги Маҳаллот маҳалласи маслаҳатчиси Ибодат Аҳмедова. — Маҳалла маслаҳатчилари фаолиятини атрофлича таҳлил этиш, намунали иш тажрибаларини оммалаштириш, ўзаро фикр ва таърибга ал-машшига кўмаклашиш мақсадида ҳар йили ўтказиб келинаётган танлов ҳам ана шу эътиборнинг ёрқин ифода-сидир. Жумладан, маҳалла-мизда ёшларнинг оила, Ва-тан олдидидаги масъулиятини қучайтириш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, репродуктив саломатликини мустаҳкамлаш каби ишлар-да давлатимиз раҳбарига оши-ришга ҳаракат қилаялмиз. Мазкур нуфузли танловга тайёргарлик қилиш ва унда иштироқ этиш жараёнида ана шу ютуқларимизни на-мойиш қилдик.

(Давоми 3-бетда).

Парламентаризм тараққиёти:

Миллий таъриба ва халқаро амалиёт

Пойтахтимизда «Ўзбекистонда парламент демократия-сини ривожлантириш: миллий таъриба ва халқаро амалиёт» мавзусида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

ТАДБИР

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти ҳамда Германиянинг Ф. Эберт

номидидаги жамғармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда парламент аъзолари,

давлат тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипло-матик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар ходимлари, шунингдек, журналистлар қат-нашди. Қайд этилганидек, юр-тимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қара-

тилган саъй-ҳаракатлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётир. Бу борада яра-тилган мустаҳкам қонунчилик базаси парламентнинг про-фессинал фаолият юритиши-ни таъминлаш, сиёсий партия-лар ва фуқаролик жамияти институтларининг жамиятдаги ролини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида иштирок-чилар томонидан Ўзбеки-стонда замонавий парламен-таризм тараққиётининг босқичлари, унинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилиб, Олий Мажлисининг парла-мент назорати бўйича фа-олиятининг тўхталиб ўтилди.

(Давоми 3-бетда).

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2015 йилнинг 11-12 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув ва музокаралар чоғида мамлакатимиз ва БМТ тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлиги кенг қамровли. Мамлакатимиз ушбу нуфузли халқаро тузилма билан тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Пойтахтимизда БМТнинг қатор тарихий тузилмалари — Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғар-маси, Аҳолишунослик жам-ғармаси, Таълим, фан ва ма-даният масалалари бўйича ташкилоти, Гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси, Тараққиёт дас-тури, ОИВ/ОИТС бўйича би-рлашган дастури ваколатхона-лари фаолият кўрсатаётир.

БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйи-ча ташкилоти — ЮНЕСКО билан ўзаро ҳамкорлик ало-ҳида эътиборга молик. Халқ-ларнинг маънавий дунёси-ни юксалтириш, улар ўрта-сида ўзаро маданий ва маъ-рифий алоқаларни мустаҳ-камлаш орқали жаҳонда то-тувлик ва бағрикенглик

гояларини қарор топтириш-га қаратилган маъзур таш-килотнинг мақсад ва вазифа-лари мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишлар билан ҳамохангдир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мил-лий қадриятларимизни тик-лаш, маданий ёдгорликлар, тарихий обидалар, муқаддас қадимларнинг асраб-авай-лаш, аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, илм-фан ва таълим со-ҳаларини изчил ривожланти-риш борасида амалга оши-рилаётган ишлар халқаро миқёсда кенг эътироф этил-моқда. 1998 йилда ЮНЕСКО Ижроия кенгашининг 155-сессиясида Президентимиз Ислам Каримов миллий ма-даниятни ривожлантириш, маданий-тарихий ёдгорлик-ларни асраб-авайлаш ва ЮНЕСКО билан ҳамкорлик-ни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун ташкилотнинг олий мукофоти — «Абу Али ибн Сино» олтин медали би-лан тақдирланди. 2006 йил-да давлатимиз раҳбарига халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкам-лаш, маданиятлараро ва динлараро мулоқотни ри-вожлантириш ҳамда маданий ранг-барангликни қўллаб-

қувватлаш борасидаги улкан хизматлари учун ЮНЕСКО-нинг «Боробудур» олтин медали топширилди.

ЮНЕСКО Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар жараё-нига, юртимиздаги тарихий обидалар, қадимий шаҳар-лар, ёзма ва оғзаки халқ ижодиёти, умуман, ўзбек халқининг бой меросига катта қизиқиш билан қарай-ди. Мамлакатимизда муқад-дас қадимларни таъмир-лаш, улуғ аждодларимиздан қолган бой маданий ва маъ-навий меросни асраб-авай-лаш, ўрганишга қаратилаёт-ган юксак эътибор ташки-лот томонидан доимо эъти-роф этилади.

ЮНЕСКО фан, таълим ва маданият соҳаларини ривож-лантириш, қадимий обида-ларни асраб-авайлаш бора-сида Ўзбекистон билан яқин-дан ҳамкорлик қилиб кел-моқда. Ўтган давр мобайни-да ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фаргоний, Имом Бухорий, Камолиддин Бехзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари қадимий шаҳарларимиз, «Ал-помош», «Авесто» каби бе-бахо адабий ёдгорликлар, Хоразм Маърун академияси-нинг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Маданий ва табиий ме-росни аниқлаш, муҳофазга қилиш ва сақлаш ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўна-лишларидан бири ҳисобла-нади. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳар-ларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро «Тинчлик шаҳри» деб эълон қилинди. Шашмақом, Катта ашула, Наврўз ва Аския инсоният-нинг энг дурдона кашфиёт-лари сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон номоддий ме-роси рўйхатига киритилган.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

 (Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш яқунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, унда тегишли ҳоким ва маҳаллий ихроия ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигига комплекс баҳо берилади, уларнинг ишни такомиллаштиришга доир тавсиялар ва тақлифлар, шунингдек қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади.
Мазкур қарор ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрларда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шарт».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда) **131-моддаси** **иккинчи қисмининг диспозициясига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

«б» бандининг ўзбекча матнидаги «содир қилинган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин; қуйидаги мазмундаги **«в» банд** билан тўлдирилсин: «в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **146¹-модда** билан тўлдирилсин:

«146¹-модда. Ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги

Ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун қонунда белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «146-моддасининг учинчи қисмида» деган сўзлардан кейин «146¹-моддасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1–2, 11-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Судга муροжаат қилиш ушбу Кодексда белгиланган шаклларда амалга оширилади. Муροжаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин»;

2) **73-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ёзма далиллар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлардан, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалардан, шу жумладан факс, электрон ёки ўзга алоқа воситасида ёхуд ҳужжатнинг тўғрилигини аниқлаш имконини берувчи бошқа усулда олинган ҳужжатлардан иборат бўлади»;

3) **132-модда:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар суд қақирув қоғозлари, зарур ҳолларда эса телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга қақирилади ҳамда суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинади»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Телефонограммалар, телеграммалар ва хабардор қилинганлик факти қайд этилишини таъминлайдиган бошқа алоқа воситалари орқали судга қақирилган ёки суднинг айрим процессуал ҳаракатлари тўғрисида хабардор қилинган ҳолларда, телефонограммалар, телеграммалар, ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилган суд қақирув қоғозининг нусхаси иш материалларига қўшиб қўйилади»;

4) **133-модда:**

1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) суднинг номи, аниқ манзили, телефон рақами, электрон манзили»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилаётган суд қақирув қоғозида ушбу модда биринчи қисмининг 1–5, 7-бандларида санаб ўтилган маълумотлар кўрсатилиши керак»;

5) **135-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахс томонидан электрон манзили кўрсатилган тақдирда қақирув қоғози ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилиши мумкин»;

6) **137-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қақирлувчи қақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортганлиги ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилинган шахснинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди»;

7) **138-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ишда иштирок этувчи шахслар телефонлари ва факсларининг рақамларини, электрон манзилни судга маълум қилган тақдирда, иш юритилаётган вақтда уларнинг ўзгарганлиги ҳақида судни хабардор қилиши керак»;

8) **148-модданинг матнидаги** «ёзма шаклда» деган сўзлар «ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **149-модда** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Аризادا даъвогарнинг ёки унинг вақилининг, шунингдек бошқа тарафнинг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Аризада электрон манзил кўрсатилганлиги аризачининг суд қақирув қоғозларини ва бошқа хабарномаларни, суд ҳал қилув қарорларининг ва аҳримларининг нусхаларини ахборот тизими орқали электрон шаклда олишга бўлган розилигини билдиради»;

10) **150-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга берилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган ариза бундан мустасно»;

11) **154-модда:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:
«Ажрим имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:
«Ариза ва ажрим имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

12) **177-модданинг иккинчи қисмидаги** «қақирув қоғози орқали хабардор қилинадилар» деган сўзлар «ушбу Кодекснинг 132-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **223-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, уларга суд ҳал қилув қарорининг ёки иш юритишни тўхтатиш туриш, тугатиш тўғрисидаги ёхуд аризани кўрмай қолдириш ҳақидаги суд ажримининг нусхаси имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

Суд ҳал қилув қарорининг ёки иш юритишни тўхтатиб туриши, тугатиш тўғрисидаги ёхуд аризани кўрмай қолдириш ҳақидаги суд ажримининг нусхаси суд мажлисига келмаган тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ҳал қилув қарори ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай почта орқали ёки ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

14) **228-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорининг нусхаси суд мажлисига келмаган тарафга шу қарор чиқарилган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

15) **230-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини қайта кўриш ҳақидаги ариза ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга берилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган ариза бундан мустасно. Ариза берганлик учун давлат божи тўланмайди»;

16) **238³-модда иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «ёзма шаклда» деган сўзлар «ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **238¹⁰-модданинг учинчи жумласи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суд бўйруғини бекор қилиш тўғрисидаги ажримнинг нусхалари ажрим чиқарилганидан кейин уч кундан кечиктирмай тарафларга имзо қўйдириб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

18) **271-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ўн кундан кечиктирмай тегишли органга ёки мансабдор шахсга, шунингдек фуқарога имзо қўйдириб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

19) **278-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокурорнинг ҳуқуқий ҳужжатни гайриқонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича суднинг ҳал қилув қарори протестни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган ёхуд протестни кўриб чиқмаган орган раҳбарига ва прокурорга имзо қўйдириб топширилади ёки уларга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

20) **309⁹-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ёзма шаклда» деган сўзлар «ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга берилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган ариза бундан мустасно»;

21) **309¹⁰-модданинг:**

биринчи қисмидаги «ёзма шаклда» деган сўзлар «ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қардорларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга берилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган ариза бундан мустасно»;

22) **319-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тарафларнинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, уларга апелляция, кассация ва назорат инстанциялари суди ажримининг ёки қарорининг нусхаси имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади.

Суд мажлисига келмаган тарафларга ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция, кассация ва назорат инстанциялари суди ажримининг ёки қарорининг нусхаси имзо қўйдириб топширилади ёки почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

23) **322-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция шикояти ёки протести ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга тақдим этилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган апелляция шикояти ёки протести бундан мустасно»;

24) **323-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Апелляция шикоятида ёки протестида шикоят берган ёки протест келтирган шахснинг ёхуд унинг вақилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин»;

25) **324-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Ажрим апелляция шикояти берган ёки протести келтирган шахсга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Шикоят ёки протест шикоят берган ёки протест келтирган шахсга ажрим билан бирга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

26) **327-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тушунтиришлар (эътирозлар) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга тақдим этилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган тушунтиришлар (эътирозлар) бундан мустасно. Тушунтиришларнинг (эътирозларнинг) нусхаларини суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади (юборади)»;

27) **328-модданинг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) ишда иштирок этувчи шахсларга шикоят ёки протест юзасидан тушунтиришлар (эътирозлар) тақдим этишни тақлиф қилади. Тушунтиришлар (эътирозлар), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга тақдим этилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган тушунтиришлар (эътирозлар), шунингдек уларга илова қилинган ҳужжатлар бундан мустасно. Тушунтиришларнинг (эътирозларнинг) нусхаларини суд ишда иштирок этувчи шахсларга топширади (юборади)»;

28) **330-модданинг биринчи қисмидаги** «ёзма шаклда баён этилиб» деган сўзлар «ёзма шаклда, шу

жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **346-модданинг биринчи қисмидаги** «топширилган кундан эътиборан» деган сўзлар «топширилган ёки юборилган кундан эътиборан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) **348³-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кассация шикояти ёки протести ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан бирга судга тақдим этилади, ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориладиган кассация шикояти ёки протести бундан мустасно»;

31) **348⁴-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кассация шикоятида ёки протестида шикоят берган ёки протест келтирган шахснинг ёхуд унинг вақилининг телефонлари ва факслари рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин»;

32) **348⁵-модданинг:**

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:
«Ажрим кассация шикояти берган ёки протести келтирган шахсга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

учинчи қисми қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Шикоят ёки протест шикоят берган ёки протест келтирган шахсга ажрим билан бирга имзо қўйдириб топширилади ёки унга почта орқали ёхуд ахборот тизими орқали электрон шаклда юборилади»;

33) **348⁸-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тушунтиришлар (эътирозлар) ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мут

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

3) **7-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошидаги** «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ҳукумат алоқа» деган сўзлар «Миллий хавфсизлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **8-модданинг биринчи қисми:** куйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«қонунга зид равишда ишлаётган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали курилмаларни аниқлайди»; **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар** тегишинча **бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **9-модда:** **учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:
«Фойдаланувчиларга муайян радиочастоталар бериш Ўзбекистон Республикаси радиочастоталарни тақсимлаш жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Радиочастота бериш ўта муҳим давлат эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ўзгартирилиши мумкин»;

куйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Радиочастота спектридан фойдаланувчининг ўз радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериши тақиқланади»;

6) **13-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбоши** куйидаги тахрирда баён этилсин:
«Фойдаланилаётган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали курилмалардан фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигига, шунингдек атроф муҳит ҳолатига ҳақиқий таҳдид юзага келганда»;

7) **14-модданинг биринчи қисмидаги** «техник шартлар» деган сўзлар «ташқилот стандартлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) куйидаги мазмундаги **18¹** ва **18²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«18¹-модда. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш

Радиочастота спектридан фойдаланишда фойдаланувчилар томонидан ахборот хавфсизлиги чоралари, шу жумладан:
узатиладиган ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, алоқа тизимларидан назоратсиз фойдаланиш ва уларнинг ишлашини тўхатиб қўйиш, шунингдек улардан шахс, жамият ва давлатга зарар етказадиган мақсадларда фойдаланиш истисно этилишини;
ахборотни (маълумотларни) узатиш жараёнида унинг (уларнинг) махфийлиги ва яхлитлигини;
рухсатсиз ёки бехосдан аралашувага уринишлар бўлган тақдирда алоқанинг ишлаш режими ўзгармаслигини таъминловчи чоралар кўрилиши керак.

18²-модда. Радиоалоқанинг махфийлиги

Бошқа шахс учун мўлжалланган радиоахборат қабул қилинган тақдирда уни қайд қилиш, унинг мазмунини ва мавжудлиги фактини ошкор этиш, тарқатиш ёки ўзгартириш тақиқланади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Махфий ахборотни, шу жумладан давлат сирлари мавжуд бўлган маълумотларни ахборотнинг сертификатлаштирилган криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланмаган ҳолда радиоалоқа каналлари орқали узатиш тақиқланади.

Радиочастота органлари томонидан амалга ошириладиган радиочастота спектри мониторинги радиоалоқанинг махфийлигини бузиш ҳисобланмайди».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «**Темир йўл транспорти тўғрисида**»ги 766–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 118-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2011 йил, № 9, 246-модда) **25-моддаси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«25-модда. Иختиёрий ва мажбурий сугурта

Темир йўл транспортининг иши сайёр хусусиятга эга бўлган ходимлари, шунингдек ўз лавозим вазифаларини

ҳаёт учун хавфли шароитларда бажарувчи ходимлар ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш бўлинмаларининг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш даврида мажбурий шахсий сугурта қилиниши керак.

Темир йўл транспорти ходимларининг айрим тоифаларини мажбурий шахсий сугурта қилиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўловчиларни иختиёрий шахсий сугурта қилиш, шунингдек юклар, багаж ва юк багажини иختиёрий сугурта қилиш мумкин.

Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш ташувчи томонидан амалга оширилади».

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майда қабул қилинган «**Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–97-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 5, 219-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 1) **11-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;
- 2) **15-модданинг биринчи қисмидаги** «ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–155-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 191-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 4, 99-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) **8-моддасининг биринчи қисмига** куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

куйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Йўловчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зиён етказилганлиги туфайли келиб чиққан зарарларнинг ўрнини ташувчи томонидан қоплаш мажбурияти»;

тўққизинчи – ўн иккинчи хатбошилар тегишинча **ўнинчи – ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

11-модда. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир**

ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда ЮНЕСКО иштирокида кўплаб халқаро анжуманлар ўтказилаётгани халқимизнинг бой маънавий меросига, юксак маданиятига, улкан бунёдкорлик салоҳиятига ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида «Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Унда иштирок этган ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Хуберт Гизен ЮНЕСКО учун катта аҳамиятга эга бўлган ушбу муҳим тадбирни ташкил этгани ҳамда таълим-тарбия, илм-фан, маданият, коммуникация ва ахборот соҳаларини ривожлантиришга қаратаётган эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. У юртимиз ёшлари — ўқувчилар, талабалар, ёш олимлар ва оддий

одамларнинг мамнун ҳеҳрасига алоҳида эътибор қаратиб, Ўзбекистон — келгуси тараққиёт учун ишончли пойдевор сифатида хизмат қиладиган ёшлардан иборат, ўқимишли, руҳи ва маънавияти юксак инсонлар мамлакатни эканини алоҳида таъкидлади.
ЮНЕСКО юртимизда ўтадиган кўплаб маданий тадбирларнинг меҳмони, ташкилотчиси ва иштирокчисидир. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган, ЮНЕСКО шафелигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали халқлар ўртасида ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, мусика ва қўшиқ орқали одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотишдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда. Мазкур фестивалнинг ЮНЕСКО халқаро маданий тадбирлари доирасига киритилиши унинг сиёсий-маънавий аҳамияти нақадар юксаклигидан далолатдир.

Мазкур фестиваль нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё номдодий маданий меросини тик-

лаш, асраш, тарғиб қилиш ва авлоддан-авлодга етказишга ўзининг бекиёс ҳиссасини қўшмоқда. 2013 йилда бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» тўққизинчи халқаро мусика фестивалининг очилиш маросимиди ЮНЕСКО Бош директори Ирина Боква буни алоҳида қайд этди: «Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан асос солинган «Шарқ тароналари» фестивали ана шу эътиборнинг юксак намунасидир. Минг йиллар давомида Ер юзининг турли ўлкаларидан одамлар бутун дунё таъниган буюк астроном Улугбек заковатининг махсули бўлишми илифан, фалсафа, диншунослик, астрономия ва адабиёт сирларини ўрганиш мақсадида Самарқандга келганлар. Улар бу ерга илм олиш, мусика, ракс ва мингиллик урф-одатларини ўрганиш учун келишган ва бутун биз ҳам ана шу қадимий анъаналарни давом эттирмакдими. Глобаллашадиган дунёда инсонларни бирлаштириш учун бизга катта восита керак. Мусика шу воситаларнинг

ҚИЗИЛҚУМ ГАВҲАРИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари Гулноза Назарова, Гулноза Шарофова, Моҳирун Кахрамонова ва Заря Қосимова, спортнинг оғир атлетика тури бўйича Осиё чемпиони Махлиё Тоғаева, самбо бўйича жаҳон чемпиони Истам Қудратов, дзюдо бўйича Осиё чемпионати совриндори Ойдини Ботирова зарафшонликларнинг фаҳрига айланган.
Албатта, бундай ўғил-қизларнинг маънан ва жисмонан етук бўлиб улғайишида ҳудуддаги 12 та умумтаълим мактаби, битта академик лицей, 3 та касб-хунар коллежининг ўрни бекиёс. Қолаверса, шаҳардаги мавжуд 13 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳам баркамол авлод таълим-тарбияси муносиб ҳисса қўшаётди.



— Бугунги ёшлар — порлоқ келажгимиз бунёдкорлари, — дейди «Камолот» ЕИҲ Зарафшон шаҳар кенгаши раиси Учкун Бобоев. — Қувонарлиси, ўғил-қизларимиз қалбида жамият ҳаётига дахлдорлик ҳисси юқори. Бу, аввало, уларнинг Президентимиз томонидан олиб бориладиган оқилона сиёсатнинг туб мазмун-моҳиятини теран англаб етаётганлиги туфайлидир.

Кон-металлургия саноати — зарафшонликлар меҳнат қилаётган асосий тармок. Эътиборлиси, кейинги йилларда замонавий машина-механизмлар келтирилиши ҳисобига ҳудудда кончилик-қазийиш ишлари кўлами кенгайди. Уларни таъмирлаш ва бир маромада ишлашини таъминлаш мақсадида ташкил этилган участкаларга ҳам тажрибали чилангар ҳамда соловчилар бириктирилган. Яна бир эъти-

Мухтасар айтганда, олиб бориладиган ана шундай тиб ислохотлар натижасида шаҳарда барча соҳа ва тармоклар ижтимоий ривожланиб бораётди. Пировардида ҳудуд ахлининг турмуш тарзи, оилаларнинг иқтисодий имкониятлари тобора яхшиланмоқда.

Одил ҲОТАМОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Азамат ЗАРИПОВ ва Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, бугунги кунда Олий Мажлис қонунлар, давлат дастурлари, қисқача айтганда, муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан парламент назоратини самарали амалга ошириб келмоқда.

Парламентаризм тараққиёти: Миллий тажриба ва халқаро амалиёт

Тадбир доирасида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Демократия ва инсон ҳуқуқлари институтининг тақдироти бўлиб ўтди. Жорий йилнинг март ойида иш бошлаган мазкур институт фаолияти кенг қамровли бўлиб, давлат бошқаруви ва жамият қурилишини демократлаштириш, сўз эркинлиги, очкичлик ҳамда ошкоралиқни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тадбиркорлар ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашиш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ҳамда дастурларни амалга ошириш унинг асосий йўналишларидадан ҳисобланади.

Давра суҳбатида парламент демократиясини ривожлантириш бўйича халқаро тажриба хусусида ҳам атрафлича сўз юритилди.

Зиёда АШУРОВА.

Юксак ишонч ва масъулият

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўрик-танловнинг **Кашқадарё вилояти** босқичида 14 нафар иштирокчи билан салоҳиятини синовдан ўтказди. Қизиқarli кечган қунида Миршор туманидаги «Янги Миршор» маҳалла фуқаролар йиғини мақсадида кўриқ-танлов ҳудудий босқичларида иштирокчилар маҳаллада ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, тўй-ҳашам, маърака ва маросимларни ичмам, тартибли ўтказиш, кексалар, айниқса, ёлғиз қаришлар ҳолидан доимо хабардор бўлиш каби йўналишлардаги амалий ишларни тақдимот шаклида намойиш этган бўлса, фаолиятида уярайдиган турли мураккаб вазиятларнинг, муаммоларнинг ечимини топиш борасидаги кўникмалари савол-жавоблар орқали синовдан ўтказилди.

Кўрик-танловнинг **Ташкент шаҳар** босқичи ҳам батақдор тақдимотларга, қутилмаган савол-жавобларга бой бўлди. Унда қатнашган 11 нафар мақсадат-чининг фаолияти адолатли тарзда баҳоланди. Айниқса, мақсадатчиларнинг соҳага оид қонун ҳужжатларини мазмун-моҳияти ҳақида етарли билимга эга экани барчада яхши таассурот қолдирди. Танлов натижалари мувофиқ, Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғини мақсадида кўриқ-танлов ҳудудий босқичидаги кўриқ-танловнинг **Бухоро вилояти** босқичи голиби, Ромитан туманидаги «Шўробод» маҳалла фуқаролар йиғини мақсадидаги Саодат Хотамова — Аҳоли манфаати йўлидаги ишларимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари билан яқин ҳамкорлигимиз айна мудоа бўлмоқда. Масалан, сўнгги уч йилда маҳалламизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтиради катта натижага эришдик. Маҳалламиз қошида ташкил этилган Оилани ижтимоий ҳимоялаш марказида шу кунгача 60 нафар хотин-қиз зардуз-

лик, тикувчилик, каштачилик хунарларини ўрганди. Муҳими, маҳалламизда соғлом муҳит ҳукмрон. Қўриқ-танловда мазкур ишларимиз эътироф этилди. Шу билан бирга, янада эътиборни кучайтиришимиз керак бўлган долзарб масалалар ҳақида ўзаро фикр алмашиш, тақрибларимиз билан ўртоқлашдик. Умуман, «Фуқаролар йиғинларининг ёш намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича мақсадатчиларнинг ҳудудий босқичларида иштирокчилар ўз фаолияти бўйича билимларини мустаҳкамлаш, соҳага оид қонун ҳужжатларини нормаларини амалиётда қўллаш юзасидан зарур кўникмаларга эга бўлди. Бу маҳаллалар мақсадатчиларининг фаолигини ошириш орқали ислохотларнинг жойларда янада самарали кечиниши таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

СУРУП

Ўзбекистон — бахтли одамлар мамлакати. Мен ҳам шу муаззам юртининг азиз фарзандиман! Болалиқдан шеърлар машқ қиламан. 2011 йили Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим. Ўтган йили Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейини тамомлаб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили филологияси факультетига ўқишга кирдим.

Бахтли мамлакатнинг фарзандларимиз

Президентимиз ташаббуси билан 1999 йилнинг 10 июнида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти истиқлол қизлари учун юксак рағбат, эътибор, қўллаб-қувватлаш ифодаси бўлди. Бинобарин, ватанимизнинг атоқли куйчиси босиб ўтган хаёт йўли, бебаҳо мероси, ибратга молик маънавий дунёси, ахлоқий қиёфаси бу мукофотнинг қадрини, нуфузини белгилаб бермоқда.

16 йилдирки, халқимиз ўртасида тилдан-тилга кўчган “Зулфиянома қизлари” деган таъриф бамисли оханрабодай кўнгилларда ажиб бир сурур уйғотаётди. Миллионлаб ўзбек қизлари шоирага ўхшашни, келажак сари дадил интилишни, ўз мақсадларига етишни ниёт этиб, астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳам кенг жамоатчилик томонидан аёл зотига, шунингдек, адабий жамоатчилигимизга, биз, ёшларга

Юлдузой ЎРМОНОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.

Қўшиқларга кўчган орзулар

Ўзбекистон давлат консерваториясида маданият ва санъат коллежлари ҳамда мусиқа академик лицейлари ёш ижрочиларнинг республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

САНЪАТ

Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари томонидан ўтказилган ушбу танловда худудий босқичларда ғолибликни кўлга кiritган 443 нафар ўқувчи ўз маҳоратини намойиш этди. Тадбирда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори санъатни рағбатланиши, навқирон авлод вакиллариининг истеъдодини юзага чиқариш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш

борасида кенг қўллади ишлар амалга оширилади. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада яхшилашга оид қарори асосида республикамизнинг барча худудда замонавий мусиқа ва санъат мактаблари ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу мактабларда минг-минглаб ўғил-қизлар пухта билим олишмоқда. Улар орасидан юртимиз ҳамда халқаро миқёсда ўтказилаётган ижодий беллашувларнинг ғолиб ва совриндорлари кўлаб етишиб чиқаётгани кувонарлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги қарори ўқувчи-ёшларни мусиқа санъатининг юксак намуналари асосида тарбиялаш, уларнинг ижрочилик маҳорати ва баъдий дидини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этапти. Мазкур танлов ҳам ушбу қарорга мувофиқ ташкил қилинган бўлиб, унда ёшлар дамли ва зарбли ҳамда торли халқ чолғулари, ака-

демик хонандалик, фортепьяно, анъанавий ижрочилик, эстрада, хореография, театр санъати, фольклор ижрочилиги каби ўн та йўналиш ва олтига яқин номинация бўйича ўз иқтидорларини синовдан ўтказишди.

Танловнинг финал босқичи бир ҳафта давомида Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби, В. Успенский ва Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган академик лицейларида ташкил этилди.

Шуни таъкидлаш керакики, танлов ғолиблари махсус гувоҳнома асоси-

да мутахассислигига мос олий таълим муассасаларига қўшимча имтиҳонларсиз ва тест синовларисиз қабул қилинади.

— Танлов менга бир олам қувонч бағишлади, — дейди анъанавий хонандалик йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби, Ўзбекистон давлат консерваторияси хузуридаги Иқтидорли болалар академик лицейи ўқувчиси Жамшидбек Очилов. — Ушбу ижодий беллашув тўғрисида бир қанча тенгдошларим билан танишдим. Давлатимизнинг биз, ёшларга қўрсатётган эътибор ва ғамхўрлигидан жуда хурсандим.

Тадбирда танлов ғолибларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Пойтахтимизда бокс бўйича 1999-2000 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, мамлакатимиз Бокс федерацияси ва Осиё бокс конфедерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақада китъамизнинг ўн тўрт давлатидан юздан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борапти.

БОКС

мур Такумини, Саиджамшид Жаъфаров (54 кг.) “Кунчиқар юрт”нинг яна бир вакили Хаято Цуцумини, Темурбек Саъдуллаев (60 кг.) Жанубий Корея спортчиси Жеонгэе Лиини, Тимур Мержанов (63 кг.) БАА боксчиси Мусо Албушени, Дилшодбек Рўзметов (66 кг.) эса киргизистонлик Ойбек Оқилбоевни катта устунлик билан мағлубиятга учратган яққол дилдирди. Кеча терма жамоамиз

аъзоларидан Муроджон Алиев (52 кг.) қозогистонлик Саматали Толтаевдан, Билалбек Мирзахақимов (57 кг.) Жанубий Корея вакили Жунонг Кимдан, Тимур Мержанов эса филиппинлик Ранжо Наполеондан устун келиб, совринли ўринлар учун курашни давом эттираётган бўлди.

Фазлиддин АБИЛОВ.

Осиё чемпионлари Тошкентда аниқланмоқда

Осиё чемпионатининг ғолиб ва совриндорлари 14 июнь куни аниқланади.

Билимдонлар танлови

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда хорижий тилларни ўқитишни замон талаблари даражасига олиб чиқишга пухта замин яратди.

ТАЪЛИМ

Бу жараён ўқувчилар орасида чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишни кучайтиргани эса янада қувонарлидир. Шу маънода, Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Инглиз тили билимдонлари” интеллектуал мусобақасининг республика босқичи ҳам қизиқарли, ҳаяжонли дамларга бой кечди.

— Мазкур кўрик-танлов мамлакатимизда таълим-тарбия, хусусан, чет тилларни ўқитиш тизимида олиб борилаётган ислохотлар истиқболдан ёрқин далолатидир, — дейди Халқ таълими вазирлиги таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқар-

маси бошлиғи Файзулла Аҳмедов. — Танловнинг турли босқичларида 5 — 9-синф ўқувчилари барча шартлар бўйича пухта билимга эга эканини намойиш қилди.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичида ўз худудида ғолибликни кўлга киритган 14 жамоа баҳслашди.

Ўқувчилар билими ўрта тур бўйича синовдан ўтказилди. Жумладан, 5 — 6-синф ўқувчилари тест саволларига жавоб берган бўлса, 7 — 9-синф ўқувчилари танланган мавзу бўйича ижодий эъза иш топширди.

Кизгин кечган танлов якунида умумий баллар ҳисобида кўра, Тошкент шаҳри жамоаси биринчи, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филологияга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби жамоаси иккинчи, Навоий вилояти жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Билимлар беллашувининг барча иштирокчиси махсус диплом ва совғалар билан рағбатлантирилди.

— Инглиз тилида қийналмай мулоқот қилман, — дейди танловда 3-ўринни кўлга киритган Навоий вилояти жамоаси аъзоси Нилуфар Баҳридина. — Айни пайтда вилотимиздаги 11-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг 8-синфда таҳсил олаётган. Беллашув жуда қизиқарли ўтди. Билимларим янада ҳурсандим.

Шавкат ХУЖАКУЛОВ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси

фан ва технологиялар тараққиётининг 2012 – 2020 йилларга мўлжалланган устувор йўналишлари амалиётини таъминлаш мақсадида 2016 – 2017 йилларда бажариладиган ёш олимлар фундаментал ва амалий тадқиқотлар илмий-техника лойиҳалари танловини эълон қилади.

Танловга тегишли барча зарур маълумотлар, лойиҳаларни расмийлаштириш тартиби ва асосий қоидалари билан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Фанлар академияси, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази) вазирликларидан танишиш мумкин.

Танловга лойиҳалар матбуотда эълон чоп этилган санадан бошлаб 1,5 ой муддатда шанба ва яқшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 18.00 гача Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликларида, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Қўмитанинг ижро аппаратида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қўмитанинг WWW.UZSCIENCE.UZ интернет сайтидан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:

- Қўмита ижро аппарати: (+99871) 233-69-23, 232-20-68.
- Фанлар академияси: (+99871) 233-29-81, 233-59-86.
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: (+99871) 246-01-54, 246-37-21.
- Соғлиқни сақлаш вазирлиги: (+99871) 242-12-08, 241-17-73.
- Халқ таълими вазирлиги: (+99871) 239-40-84, 239-19-68.
- Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази: (+99871) 260-51-86, 260-51-85, 260-52-05.

Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқ врачлик пунктлари учун дори воситалари ва реактивларни консолидар харид қилиш бўйича тендер савдолари эълон қилади.

Тендерда қўйиладиган шартларни бажарган, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга бўлган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари (товар етказиб берувчилари), шу жумладан, кичик бизнес корхоналари қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз корхоналари ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

Тендер комиссияси ишчи органнинг номи — Фаргона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси.

Тендер комиссияси ишчи органнинг манзили: 112038, Фаргона шаҳри, Юқсалиш кўчаси, 104-уй. Телефонлар: (0-373) 244-36-43, 244-24-42. Факс: (0-373) 244-37-03. Электрон почта: fargona.vssb@minzdrav.uz

Банк реквизитлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги ҳ/р: 23402000300100001010, СТИР: 201122919 Марказий банк ҚККМ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси, МФО: 00014, ШПР: 400121860304017950100054006, СТИР: 200151432, ОКОНХ: 97400.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 2013 йил 8 июлдаги 2-60-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Чингелди» МФЙ худудида жойлашган, жами ер майдони 1,34 гектар бўлган, қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 127 580 540 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 10 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «New estate action» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Мировод филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 302373151.

Хизматлар лицензияланган.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Андижон филиалида 2015 йил 10 июль куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Андижон тумани СИБ томонидан Андижон вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 25 августдаги 17-1411/7380-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон тумани, «Ербоши» ҚФЙ, Айрилиш маҳалласида жойлашган, қурилиш ости майдони 251,52 кв.м. бўлган, «Андижон тумани МТП» АЖнинг А, А1-литерлардаги бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 325 538 686 сўм.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш

истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва 2015 йил 8 июль куни соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Андижон шаҳри, Миллий тикланиш кўчаси, 36-уй, 3-қават. Телефон: (0-374) 228-46-16.

Хизматлар лицензияланган.

“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банки жамоаси Ипотека ва истеъмо қредитлари бошқармаси бўлим бошлиғи Маруф Хидировга падари бузруквори Шамшидан ХИДИРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

WWW.XS.UZ ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯда футбол бўйича ёшлар ўртасида (U-20) давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси нимчорак финал йўлланмасини кўлга киритди.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 118 971 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов. Навбатчи — Д. Улмурадов. Мусахҳач — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5